

ПОРА БЕРИШ ХАВФИНИ ЮЗАГА КЕЛТИРУВЧИ САБАБ ВА ШАРТ-ШАРОИТЛАР ТАҲЛИЛИ ҲАМДА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАҚСАДИДА ЖОРИЙ ЭТИЛГАН ТИЗИМЛАР

Рустамов Бекзоджон Дилмуроджон ўғли

Тошкент давлат юридик университети

"Жиноят ҳуқуқини қўллаш назарияси ва амалиёти"

мутахассислиги магистри

Аннотация. Мақолада сўнгги йилларда мамлакатимизда пора бериш билан боғлиқ ҳолда содир этилган жиноятларни ўрганиш асосида пора бериш хавфини юзага келтирувчи сабаб ва шарт-шароитлар таҳлили ва уларнинг олдини олиш мақсадида жорий этилган айрим тизимларнинг натижалари баён қилинган.

Аннотация. В статье описывается анализ причин и условий, создающих риски для дачи взятки составленный на основании изучения преступлений, связанных с дачей взятки совершённых в последние годы в нашей стране и результаты системы созданной с целью их предотвращения.

Abstract. The article describes an analysis of the causes and conditions that create risks for bribery, compiled on the basis of a study of crimes related to bribery committed in recent years in our country and the results of a system created to prevent them.

Калит сўзлар: коррупция, пора бериш, пора бериш хавфи, коррупцияга қарши менежмент тизими.

Ключевые слова: коррупция, дача взятки, риски дачи взятки, система менеджмента против коррупции.

Keywords: corruption, bribery, risks of bribery, management system against corruption.

Сўнгги йилларида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган кенг қамровли ўзгариш ва янгиланишлар амалда қўтилган самараларни бермоқда.

Айтиш жоизки, бу борадаги туб ислохотлар ўз моҳиятига кўра, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилиши баробарида, кўплаб юртдошларимиз тақдирида ҳам том маънода ижобий ўзгаришларга сабаб бўлмоқда.

Ўз навбатида, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў эътибори ва халқаро рейтинглардаги ўрни ҳам сезаларни равишда ошиб бормоқда.

Масалан, ўтган йилда Ўзбекистон “TRACE bribery Matrix” индекси¹да 16 поғонага ва “Transparency International” халқаро нодавлат ташкилотининг “Коррупцияни қабул қилиш индекси”²да 14 поғонага кўтарилди.

Бироқ, шуни таъкидлаш лозимки, порахўрлик жамият учун ижтимоий хавфи юқори ва оғир оқибатларга олиб келувчи жиноятлар ҳисобланади. Ушбу жиноятлар жамиятнинг маънавий-ахлоқий негизига путур етказибгина қолмай, янги жиноий қилмишлар содир этилишига ҳам йўл очиб бериши мумкин.

Шу боис, пора бериш билан боғлиқ ҳолда содир этилган жиноятларни ўрганиш асосида пора бериш хавфини юзага келтирувчи сабаб ва шарт-шароитларни таҳлил қилиш, йўл қўйилган камчиликларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш муҳим аҳамият касб этади.

Таҳлиллар сўнгги икки йилда 352 нафар шахслар пора бериш билан боғлиқ жиноятларни содир этганлик учун жавобгарликка тортилганлигини кўрсатди.

Ўз навбатида, ушбу тоифадаги жиноятларнинг 3 таси нодавлат тижорат ташкилотлари мансабдор шахсига, 4 таси давлат органлари хизматчисига ва 306 таси давлат органлари мансабдор шахсига пора беришга қаратилгандир.

Ўрганишларда, пора бериш хавфи, асосан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари бўйича тегишли чора кўрмаслик, давлат органларига ишга қабул қилиш ва бошқа қуйидаги қайд этилган ҳолатларда юзага келаётганлиги аниқланди.

Биринчидан, Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари фаолиятида транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузган ҳуқуқбузарга нисбатан қонуний чора кўриш, автомашинани жарима майдончасига жойлаштириш ёки ундан олиб чиқиб кетиш жараёнларида пора бериш хавфи анча юқори эканлигини кўрсатди.

Таҳлилларга кўра, сўнгги икки йилда 130 нафар шахслар транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузганлиги бўйича маъмурий баённома расмийлаштирмаслик ва автомашинани жарима майдончасидан чиқариб бериш эвазига йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларига пора берганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган.

Иккинчидан, ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика инспекторлари, миграция ва бошқа тезкор ходимларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, паспорт тизими талабларига риоя этилиши устидан назорат қилиш борасидаги фаолиятларида аниқланган қонун бузилиши ҳолатларига нисбатан қонуний чора кўрмаслик учун фуқаролар томонидан пора бериш хавфи даражаси ҳам юқори ҳисобланади.

¹ <https://www.traceinternational.org/trace-matrix>

² <https://www.transparency.org/en/cpi/2022/index/uzb>

Жумладан, сўнгги икки йилда 74 нафар шахслар майда безорилик, фоҳишахона сақлаш, қимор ўйинлари ташкил этиш, паспорт тизими қоидаларини бузиш, порнографик маҳсулотни ва психотроп моддаларни сақлаш каби ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликка тортилмаслик эвазига пора бериш жиноятини содир этишган.

Учинчидан, таҳлиллар терговга қадар текширув ва дастлабки тергов органлари фаолиятида аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан жиноят иши кўзғатмаслик, жиноий жавобгарликка тортмаслик ва енгилроқ турдаги эҳтиёт чорасини танлаш учун пора бериш хавфи мавжудлигини кўрсатди.

Хусусан, сўнгги икки йилда 61 нафар шахслар юқорида қайд этилган ҳолатларни содир этиш эвазига давлат органлари мансабдор шахсларига пора берганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган.

Тўртинчидан, ички ишлар органларининг пробация хизмати фаолиятида суд томонидан тайинланган жазони ўташда енгилликлар яратиб бериш, жазони ўташдан бўйин товлаш ҳолатлари бўйича чора кўрмаслик ёки жазони алмаштириш учун судга тақдимнома киритмаслик учун пора бериш ҳолатларига йўл қўйилган.

Чунончи, мазкур даврда 14 нафар шахслар пробация хизмати органларининг мансабдор шахсларига бу каби қонунга хилоф ҳаракатларни амалга ошириши эвазига пора бериш жиноятини содир этганлиги учун жавобгарликка тортилган.

Бешинчидан, давлат органларига ишга киришда ҳам пора бериш хавфи ҳанузгача сақланиб қолаётган бўлиб, сўнгги икки йилда 13 нафар шахслар пора бериш каби жиноятлар учун жавобгарликка тортилган.

Шунингдек, таҳлил қилинган даврда 4 нафар шахслар ҳайдовчилик гувоҳномаси олиш учун имтихондан ўтказиш, 9 нафари ер майдонини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, 11 нафари чегарадан ноқонуний товарларни ўтказиб бериш ва 13 нафари тадбиркорлик фаолиятига раҳнамолик қилиш эвазига давлат органлари мансабдор шахсларига пора берганлик учун жиноий жавобгарликка тортилганлигини кўрсатди.

Юқоридагилардан шуни қайд этиш мумкинки, сўнгги йилларда мамлакатимиздаги давлат органлари ва ташкилотларида ISO 37001:2016 халқаро стандартига асосан коррупцияга қарши менежмент тизими жорий этилиб, коррупцияга қарши курашиш бўйича ички идоравий ҳужжатлар қабул қилинганлиги мазкур тоифадаги жиноятларнинг олдини олишга ўзининг ижобий самарасини кўрсатмоқда.

Ушбу стандарт илк бор Малайзия ҳукумати томонидан жорий қилинган бўлиб, мазкур давлатда ушбу тизим ҳам давлат секторида, ҳам хусусий секторда ижобий натижа берган. Хусусан, Малайзиянинг бир қатор муҳим халқаро тадқиқотлар ва индекслар бўйича кўрсаткичлари яхшиланган.

Шунингдек, Сингапур ва Хитойда давлат секторида, Индонезия ва Таиландда хусусий секторда ISO 37001:2016 стандартдан фойдаланилади.

Нима учун ISO 37001:2016 ни жорий қилиш муҳим ҳисобланади, - деган табиий савол туғилиши мумкин.

Сир эмаски, тегишли идора раҳбари қўл остидаги ҳар бир ходимни назорат қила олмайди. Бунинг учун самарали тизим керак. ISO 37001:2016 стандартига мувофиқ бошқарув тизимини жорий қилиш ташкилот раҳбарига ҳар бир ходимнинг ҳалоллиги ҳақида хавотир бўлиб юрмасликка имкон беради, чунки бу ҳолат ушбу жорий этилган тизим томонидан назорат қилинади. Тизимни жорий этилиши натижасида ташкилот тўғри йўлга қўйилган жараён зарур натижани берадиган механизм сингари ишлайди.

Таъкидлаш лозимки, ISO 37001 нафақат коррупцияга қарши тизимга нисбатан аниқ талабларни белгилайди, балки ташкилотнинг бошқарув тизимига талабларни жорий этиш жараёнини сезиларли даражада соддалаштирадиган тизимни яратиш бўйича раҳбарий кўрсатмалар беради.

ISO 37001:2016 асосан ташкилот фаолиятида юзага келадиган пора олиш ва бериш билан боғлиқ ҳолатларни тартибга солади. Шу боисдан, мазкур тизимни жорий этиш:

- ✓ маъмурий тартиб-таомиллар, давлат хизматлари ва харидларини амалга оширишда давлат органларида коррупция фактлари тўғрисида маълумот олишга;
- ✓ марказий аппарат ва ҳудудий тузилмалар кесимида коррупция ҳолати ва тенденциялари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилишга;
- ✓ давлат идоралари, тармоқлар, ҳудудлар ва коррупция турлари кесимида коррупция ҳолати ва тенденциялари мониторингини амалга оширишга;
- ✓ фуқароларнинг, ходимларнинг мурожаатлари бўйича ягона тизим ва маълумотлар базасини яратиш, шунингдек давлат хизматида коррупцияга қарши ўқитиш ва ҳалоллик бўйича малакасини оширишга хизмат қилади.

Шу сабабли, илк бор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони³ билан коррупцияга қарши курашиш (ISO 37001) стандартлари бўйича компанияларни сертификатлаштириш тизимини жорий этиш вазифаси қайд этилди.

Шу боис, Бош прокуратура томонидан тегишли идоралар билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 февралдаги 72 - ф - сонли Фармойиши ижроси юзасидан БМТ Тараққиёт

³ <http://lex.uz/docs/4355387>

дастури лойихаси кўмагида халқаро аудиторлик консалтинг компанияси экспертлари иштирокида 2 та компания (*Ўзбекнефтгаз, Ўзкимёсаноат*), 3 та вазирлик (*қурилиш, соғлиқни сақлаш, олий ва ўрта махсус таълим*) ва 4 та ҳокимият (*Тошкент шаҳар, Тошкент вилояти, Мирзо Улуғбек, Бўка тумани*)да халқаро стандартлар асосида коррупцияга қарши ички назорат тизимини жорий этиш ишлари амалга оширилди.

Таҳлилларга кўра, экспертлар томонидан мазкур идораларнинг жами 58 та йўналишлари бўйича 1,5 мингга яқин коррупциявий хавф-хатарлари аниқланиб, уларни бартараф этишга қаратилган 600 дан ортиқ тавсиялар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сон қарори⁴ билан эса 2021 йил 1 октябрдан бошлаб барча давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида мавжуд штат бирликлари доирасида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолиятини йўлга қўйиш белгиланди.

Натижада, бугунги кунда қарийб барча давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ташкил этилиб, уларнинг фаолиятини тартибга солишга қаратилган услубий-методик қўлланмалар ва идоравий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, қабул қилинани таъминланди.

Бунинг самарасида ҳозирда 20 дан ортиқ давлат органлари ва ташкилотлари “Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими” - ISO 37001:2016 бўйича халқаро стандарт сертификатини қўлга киритди.

Шунингдек, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ва коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини янада ошириш мақсадида Бош прокурорнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” 829-сон қарори⁵ қабул қилинган.

Ушбу қарор ижросини самарали таъминлаш мақсадида прокуратура органларида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича махсус комиссияси ташкил этилиб, фаолият кўрсатиб келмоқда.

⁴ <http://lex.uz/docs/5495533>

⁵ <http://lex.uz/docs/5193571>

Хусусан, мазкур махсус комиссиялар томонидан 2021-2022 йиллар ва 2023 йилнинг 1-чорагида жами 94 нафар шахслар коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берганлиги ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашганлиги сабабли рағбатлантирилган.

Рағбатлантирилган шахсларнинг берган хабарларига кўра 85 та ҳолатда пора олиш ва 9 та ҳолатда бюджет маблағларини жуда кўп миқдордаги қийматда талон - торож қилиш жиноятлари фош этилиб, айбдор шахсларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланган⁶.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, мазкур стандартларни жорий этиш Ўзбекистонда ҳам фуқароларнинг давлат идораларига бўлган ишончини янада ошишига, ходимларнинг ҳалоллигини таъминлашга, ҳуқуқбузарликларни камайтириш ҳамда аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг шаффоф ва самарали тизимини яратишда жуда муҳим ва самарали восита бўлиб хизмат қилмоқда.

⁶ <https://www.prokuratura.uz/#/newsview?id=5713>